

Дунёда энг кулай ва осон иш нима, деб сўрагон кишига «тиётручилик» деб жавоб берсак, алхак ўрокдек тўгри жавоб берган бўламиз. Воқеан, агар тиётручилик бир култ сув ичишдек осон бўлмасайди, бу кунларда шахримизнинг хар бир гадоё топмас кўчасида хафтада уч катла тиётруни томоша килишга мушарраф бўлмас эдик. Тиётручилик рахматлик «Мармархон пистадахон»нинг масхарабозлигидек кулай бир ўйун бўлмаса эди, «олма пиш, огзимга туш!», деб юргонларимиз бу кунларда тиётру бошлиги ва ўйун кулгуни тушларида кўрмаганларимиз, холис ўйунчилик максоди билан маъракага чикиб, «арзи андом» килмагон бўлурлар эди. Яшасин саноеъи нафиса билан ўйнагувчи тиётручиларимиз! Яшасун ўлиб кетган эски масхарабозликларимизни тургузгувчи ўйунчиларимиз!

Сўнгги вақтларда Самаркандимизда бир неча Исонафас ўртоқларимизнинг ўйлбошчилиги кўланкасида тиётру ишлари бирдан жонланиб кетди. Уста кўрмаган шогирдларимиз сахнага чикиб эшитилмаган макомларда ўйнай бошладилар. Базм мажлисларидан фойдаланиб юргон халкимиз бундай кизик тиётруларни чилла ўтириб томоша килишдан хам зерикмайтургон бўлди. Энди умид этиладирким, якинда шахримиз Ўзбекистоннинг сиёсий маркази бўлиши билан баробар, тиётручилик жихатидан хам марказлик рўлини ўйнамокка киришар.

*Ботурбек*

*«Машраб», 1925 йил, 18-сон*